O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Куч—адолатда

# Адолат

Ўзбекистон «Адолат» СДП газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ☼ 1998 йил, 9 октябрь, № 40 (183) ☼ Жума кунлари чиқади ☼ Сотувда эркин нархда

## ЮРТБОШИ ЎГИТЛАРИ

Фан соҳасига фандан бошқа мақсадларни кўзлаб кирган айрим кишилар аллақачон бўлак ишларнинг бошини тутиб кетди.

* * *

Баъзан биттагина илмий кашфиёт мамлакатни бутун дунёга машҳур қилиши мумкин.

* * *

Илм-маърифатга қизиқиши суст миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди.

* * *

Илму фаннинг чинакам равнақига эришиш учун ташқи дунёга эшикни кенг очиш керак.

* * *

Ҳар бир илмий ходим чет тилларни пухта эгаллаши керак.

* * *

Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди.

## РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ Б.Н. ЕЛЬЦИННИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин 1998 йил 11—12 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасига келади.



**Республикамизнинг барча вилоятлари каби Тошкент вилоятида ҳам пахта йиғим-терими авжида.**

**Пискент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳам бу йил юксак натижаларни қўлга киритиш пайида меҳнат қилмоқдалар. Хўжалик хирмони эса кундан-кунга юксалиб бормоқда.**

***СУРАТДА: теримчи Муҳаббат Худойбердиева кунига 130—140 килограммдан пахта териб, хўжалик хирмонига ўзининг баракали ҳиссасини қўшмоқда.***

**Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.**

## БИЛДИРИШ

1998 йил 13 октябрь куни соат 14.00 да Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги X Пленуми бўлади.

Пленум ишига Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар партия Кенгашларининг биринчи ва иккинчи котиблари, Сиёсий Кенгаш аъзолари таклиф этилади. Пленум ишида қатнашиш шарт.

**МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ҳамза кўчаси, 103-уй,**

**1-ТошМИ (эски ТошМИ)нинг 1-Мажлислар зали.**

**МАЪЛУМОТ учун телефонлар: 67-63-05, 67-74-95.**

«Обуна-99»

## «АДОЛАТ» ҲАМРОҲИМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

**1998 йилнинг 15 сентябридан бошлаб республикамизнинг барча «Матбуот уюшмаси» жамиятларида ва алоқа бўлимларида «АДОЛАТ» ижтимоий-сиёсий газетасига 1999 йил учун обуна бўлиш давом этмоқда.**

**Обуна баҳосини эътиборингизга ҳавола қиламиз:**

**Ташкилотлар учун: 12 ойга — 2220 сўм**
**6 ойга — 1110 сўм.**
**3 ойга — 555 сўм.**
**1 ойга — 185 сўм.**
**Нашр кўрсаткичи: 101.**

**Якка тартибдаги обуначилар учун: 12 ойга — 2220 сўм.**
**6 ойга — 1110 сўм.**
**3 ойга — 555 сўм.**
**1 ойга — 185 сўм.**
**Нашр кўрсаткичи 100.**

**ЭСЛАТМА:**

**Вилоятлардаги обуначиларга газета етказиб бериш учун кўрсатилган обуна нархи бир мунча ошиши мумкин.**

**«Адолат» ҳамиша ҳамроҳим ва суянчиғим бўлсин десангиз, унга обуна бўлинг!**

«Обуна-99»

*Дил изҳори*

## «АДОЛАТ» — МЕНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМ

«Адолат» газетасининг бугунги кунда ўзига хос ўрни бор. Мен буни унинг ҳар бир сонини ўқиганимда дилдан ҳис этаман. Шунинг учун ҳам «Адолат»га келаси йил учун обуна бўлдим. Газетада чоп этилаётган мақолалар ўзининг долзарблиги, чуқур ҳаётий таҳлил ва таклифларга бойлиги билан кўзга ташланиб туради. Менга «Тубанлик», «Одамни қамаш чепухами?», «Қотиллар», «Каламушлар», Андижондаги «Қуёш — 94» фирмаси муаммолари хусусида берилган мақолалар манзур бўлди. Бу каби ҳуқуқий мавзудаги материаллар келаси йилда ҳам янада кўпроқ чоп этилишини истардим. Негаки, бу нарса бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган — фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришдек долзарб вазифага шак-шубҳасиз ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

**Мўмин ҚАЮМОВ.**

*Замон ва ёшлар*

# ТАЛАБА ҚАЛБИГА ЙЎЛ

***Инсон умр бўйи тарбияланади. Аввал оилада, сўнгра — мактабда, ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида-хуллас одамлар орасида. Бу жараёнда талабалик йиллари инсон ҳаётида ўчмас из қолдирадиган давр ҳисобланади. Айнан мана шу даврда ёшларнинг ғоявий-маънавий йўли шаклланади, шахснинг пойдевори юзага келади. Инсонда куч-ғайрат, орзу-ҳавас тўлиб тошган, бироқ тажриба етарли бўлмаган палла бу.***

Турли реакцион диний оқимларнинг ёшлар онгига таъсир этиш учун уринишлари ҳам бежиз эмас. Ёшларда ўзини бирор бир муҳим ишда кўрсатишга, ўзи танлаб олган йўлни тўғрилигини қатъий туриб исботлашга уриниш кучли бўлади. Улардаги тушкинликни салбий томонга йўналиб кетишининг олдини олишда ўқитувчи, ота-она, маҳалла аҳли, хуллас атроф-муҳитнинг таъсири катта. Ёшлар куч-ғайрати буюк келажакни яратишга, жамиятни олға қадам босишига хизмат қилиши зарур.

Кўпинча ўқитувчи талаба қалбига йўл топишга қийналади. Чунки ёшларнинг интеллектуал эҳтиёжлари шунчалик тез ўсяптики, катта авлодни улар ҳар бир қадамда, ҳатто олдинда боришлари учун анча ғайрат қилишига тўғри келяпти.

Турли авлодни маънавий бирлаштириб туришни мустаҳкамловчи асосий жиҳатларнинг моҳияти нимада? Ана шу жиҳатларга таянган ҳолда ёшлар билан самаралироқ ишлаш, уларга катта авлод тўплаган бой тажрибанинг энг қимматлиларини беришнинг йўллари қандай? Ўқитувчи аввало ўзининг ишига танқидий кўз билан қарай олиши, ўз устида тинимсиз меҳнат қилиши, янгиликка интилиши, изланиши, таълим-тарбиянинг энг мақбул усулини амалда тадбиқ этиши керак.

Президентимиз И. Каримов олий мактаб ходимлари билан суҳбатда, одамларимизнинг, жумладан, албатта ёшларнинг ҳам маълумоти ва ахборот олишининг юксак даражада бўлиши зарурлигини уқтирди, ўқув-тарбиявий ишларимиз услубига талабчанликни оширишимиз кераклигини таъкидлади.

Таълим ва тарбияда услуб аввало ўқитувчининг шахси билан боғлиқдир. Кўпинча институт ходими ҳар томонлама ижобий, жиддий олим бўлишига қарамай талабаларнинг ҳурматини қозона олмайди, унинг маърузалари талабаларга ёқмайди. Чунки унда ўқитувчилик маҳорати йўқ. Ҳамкасблар эса буни била туриб, унга фақат илмий иш билан шуғулланиши зарурлигини айтадилар. Талабалар эса фақат китоб ва кинолардаги қаҳрамонларга эмас, ҳаётда ҳам, кўпинча ўзлари таҳсил кўраётган ўқув даргоҳида тақлид қилишга лойиқ кишиларни қидирадилар.

Институтимизда «Талабалар куни» ёки «кечаси», «Қувноқлар ва зукколар клуби», бадиий ҳаваскорлик танловлари, илмий конференция ва спорт мусобақаларини ўтказиб бориш анъанага айланиб қолган. Биз ана шу тадбирларда талабалар кўпинча ўзлари ёқтирган профессорлар, муаллимларга тақлид қилаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Буни ихтиёрсиз ёки механик равишда қайтариш эмас, мураббийнинг табиати ва иш услубини ўзлаштиришга ҳаракат дейиш мақсадга мувофиқ.

Олий ўқув юртининг вазифаси жамиятга мутахассисларнигина эмас, мамлакатимиз муносиб фуқаросини ҳам тарбиялашдир. Шунинг учун ўқитувчининг ўқув-тарбиявий фаолияти таҳлил этилаётганда — фақат у иш олиб бораётган гуруҳнинг академик ўзлаштириши билангина чекланиб қолмасдан, балки унга эришиш йўллари билан ҳам қизиқиши зарур. Олий ўқув юртларга бугунги кунда ўз ортидан эргаштира олувчи, талабалар хусусиятларини аниқ идрок этувчи, ижтимоий руҳшунослик, педагогика билимларини яхши эгаллаган муаллимлар керак.

Талабага таъсир ўтказишнинг асосий омили маърузалар эканлигига шубҳа йўқ. Маърузалар чоғидаги ўқитувчининг ўзига хос маҳорати, муаммолар қўя билиши, баҳсга, мунозараларга ундай олиши тингловчини ўйлашга, ўзи ўрганаётган фанга қизиқишини орттириш ва баҳсларда фаол иштирок этишга мажбур этади. Шундай чоғларда ўқитувчи «кемани кўзланган манзилга етказа оладиган сардор» бўлиши зарур. Талабаларимизнинг ғоявий-маънавий тарбиялашда арбоблар, адабиёт ва санъатимизнинг атоқли вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувларга катта таъсир кўрсатаётганлиги фикримизнинг исботидир. Ёшлар бундай учрашувларни қадрлайдилар ва доим мунозарага тайёр турадилар.



Талабалик курсларига кимлар раҳбар бўлишлари керак деган, саволга ҳалигача бир хил жавоб йўқ. Уни тажрибали ўқитувчи, таниқли олимгами ёки бунинг акси кафедранинг ёш ходими, ассистент, аспирантга топшириш керакми? Бу ерда ёш ёки фандаги ютуқлар омил бўла олмайди. Талабалар шахс сифатида лаёқатли, ёркин, кучли, ўзига хос фикрлайдиган инсонни ҳурмат қиладилар.

Гуруҳ раҳбарининг талабалар ҳурматини қозониши осон эмас. У бу жараёнда гуруҳнинг ўзига хос етакчиларини аниқлаб, уларни жамоада соғлом, ишчанлик муҳитини яратишга жалб эта олиши керак. Институтимизда талабалар гуруҳлари раҳбарлари билан машғулотлар ўтказувчи услубий бирлашма ташкил этилган. Бирлашма кўп йиллар талабаларга раҳбарлик қилиб, тажриба орттирган таниқли олимларни ўзига жалб этиб, уларнинг маслаҳатлари, услубини ўрганишни ўзига мақсад қилиб қўйган. Бу борада юртбошимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китоби дастуриламал бўляпти.

Институтда турли миллат вакиллари таҳсил кўрмоқдалар ва шунинг учун байналмилал тарбия доим эътиборда бўлиши зарур. Бу ерда ўзбек тили ва адабиётининг инсон қалбига етиб борувчи ва тарбияловчи байналмилал ғояларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Кейинги йилларнинг ўзида институтимиз талабалари учун ўзбек тилида «Ўзбек — инглиз» ва «Инглиз — ўзбек» луғатлари, дарсликлар, кўргазмали қуроллар, русийзабон гуруҳлар учун Ўзбек тилини ўргатадиган дарслик қўлланмалари тайёрлаб, чоп эттирди.

Талабаларни қадимий Марказий Осиё ва замонавий маърифатчилар асарлари билан таништириб боришга жиддий эътибор бериляпти. Институт босмахонаси «Бердақнинг педагогик қарашлари», «Педагогиканинг асрий ҳақиқатлари», «Медик — талабаларга ҳакимлик этикаси кўникмаларини сингдириш», «Ипак йўли бўйлаб ғоялар экспорти» каби услубий қўлланмаларни чоп этди.

Андижон тиббиёт институти эришган катта ютуқ ва бой тажрибалар чегара эмас, балки мустақил Ўзбекистонимизга юқори малакали, маънавий пок ва етук ёшлар тайёрлашдаги ишларимизни жадал олдинга сурувчи туганмас чашмадир.

**Эдем АБЛАЕВ,**
**Андижон Давлат тиббиёт институти чет тиллар кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор, педагогика ва ижтимоий фанлар Академиясининг академиги.**

## Internet дунё: энг сўнгги янгиликлар

АНҚАРА. Туркия бош вазири Месут Йилмаз Сурия ҳукуматидан Курд ишчилар партияси раҳбари Абдуллоҳ Ожаланни Туркияга беришни талаб қилди. Бош вазирнинг айтишича, А. Ожалан айни пайтда Дамашқ ёки Сурия ҳарбийлари назорати остида бўлган Ливаннинг Бекаа водийсида фаолият кўрсатаяпти. Шунингдек, М. Йилмаз Сурия бугунги кунда нафақат курдлар, балки Яқин шарқдаги бошқа террор гуруҳларининг ҳам қароргоҳига айланиб бораётганидан ташвиш билдирди.

Ўз навбатида, Сурия томони М. Йилмазнинг фикрларига муносабат билдириб, қўйилган айблар исботсиз эканини маълум қилди.

* * *

**БЕЛГРАД. Черногория парламенти халқаро ҳамжамиятни НАТОнинг Серб ўлкасига режалаштираётган ҳаво ҳужумини бекор қилишга чақирди. Бу ҳарбий ҳаракатдан биринчи навбатда ҳимоясиз аҳоли жиддий талофат кўриши мумкин.**

**Шунингдек, парламент депутатлари Югославия ҳукуматини халқаро ҳамжамият қўйган барча талабларни бажаришга ундади. Депутатларнинг фикрича, мазкур муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш учун Косовога тезда БМТ, Европа Иттифоқи, ЕХҲТ, АҚШ, Россия ҳамда бошқа халқаро ташкилот вакилларидан иборат гуруҳни жўнатиш лозим.**

* * *

ВАШИНГТОН. АҚШ ва Венгрия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳамкорликдаги ҳаркати асосан русийзабон жиноий гуруҳларни тугатишга қаратилган. АҚШ адлия вазири Жанет Рино Венгрияда уюшган жиноятчиликка қарши кураш дастурини тасдиқлаш маросимида шундай фикрни баён қилди. Унда Венгрия Бош вазири Виктор Орбан ҳам иштирок этди.

В.Орбаннинг айтишича, айни пайтда Будапештда кўплаб жиноий гуруҳлар фаолият кўрсатаяпти, лекин улар ичида русийзабон мафия гуруҳлари ашаддий ҳисобланади. Ушбу гуруҳларни тугатиш борасида илгари ҳам АҚШ ва Венгрия ҳамкорликда бир неча тадбир ўтказган. Вашингтонда тасдиқланган дастур ҳам икки мамлакат ўртасида мазкур соҳадаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

* * *

**СТОКГОЛЬМ. Швеция хукумати БМТнинг рухсатисиз НАТОнинг Югославияга режалаштираётган ҳаво ҳужумида иштирок этмаслигини маълум қилди.**

**Швеция Ташқи ишлар вазири Лена Елм-Валлен мамлакатдаги етакчи сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашувдан сўнг шундай фикрни баён қилди.**

* * *

МЕХИКО. Колумбия кофе экспортчилари келаси йилда бу маҳсулот нархининг пасайиб кетишидан ташвишда. Айрим мамлакатлардаги молиявий бўҳрон жаҳон бозорларида кофега бўлган талабнинг пасайиб кетишига сабаб бўлган.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда молиявий бўҳрондан жиддий талофат кўрган давлатларга кофени экспорт қилиш кундан-кунга қисқариб бормоқда.

**АБУЖА. Нигерия қуролли кучлари бош штаби тарқатган баёнотда айтилишича, Камерун Канаданинг «Трофи Петролиум» компанияси билан Бакасси ярим ороли ҳудудида нефт захираларини аниқлаш ишларини олиб боришга келишиб олган.**

**Нигерия хукуматининг фикрига қараганда, Камеруннинг канадаликлар билан тузган шартномаси халқаро суд қарорларининг бажарилмаётганидан далолат беради ва ушбу шартнома Нигерия ҳамда Камерун ўртасидаги қуролли тўқнашувларнинг қайта авж олишига сабаб бўлиши мумкин.**

* * *

ОТТАВА. Маълумки, шу йилнинг 2 сентябрь куни Швейцариянинг «Свиссэйр» авиакомпаниясига тегишли бўлган «МД-11» самолёти ҳалокатга учраган ва унинг натижасида 229 нафар йўловчи ҳалок бўлган эди.

Яқин кунларда авиакомпания раҳбарияти ҳалокат натижасида оламдан кўз юмган ҳар бир йўловчининг қариндошларига 137 минг АҚШ доллари миқдорида пул тўланишини маълум қилди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, ҳалок бўлган йўловчиларнинг оилалари авиакомпания ва «МД-11» русумли самолётни ишлаб чиқарувчи корпорацияни судга бериш ниятида. Агар суд уларнинг талабини қондирса, ҳалок бўлган ҳар бир йўловчининг оиласи камида 1 миллион АҚШ доллари миқдорида пул олиши мумкин бўлади.

*Қарор ва ижро*

# ҚОНУНБУЗАРЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 майдаги 221-сонли қарорига мувофиқ республикада янги нусхадаги акциз маркалари жорий этила бошлади. Шунга кўра контрабанда ва қалбаки маҳсулотлар билан савдо қилинишига йўл қўймаслик мақсадида тамаки ва спиртли ичимликларни сотиш устидан назорат кучайтирилди.***

Шу муносабат билан жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб эски нусхада акциз маркаси бўлган алкогол ва тамаки маҳсулотларини сотиш маън қилинди. Эндиликда давлат солиқ идоралари ҳукуматимизнинг бу қарорларининг бажарилишини назорат қилиш бўйича изчил фаолият юритмоқда. Ўтган давр мобайнида 18512 та текширув ўтказилиб, 11781 ҳолатда қонунларга хилоф ҳаракат аниқланди. Натижада қонунбузарлардан акциз маркаси бўлмаган 122 минг бутилка, умумий қиймати 25,2 миллион сўмлик спиртли ичимликлар ҳамда акциз маркасиз 734 минг пачкадан ортиқ тамаки маҳсулотлари тортиб олинди ва мусодара қилинди. Бу маҳсулотлар ғайриқонуний йўл билан сотишга мўлжалланган эди. Мусодара қилинган ана шу маҳсулотларнинг умумий қиймати 47,6 миллион сўмни ташкил этди.

Юқорида кўрсатилган қонунбузарликкка йўл қўйган шахслардан 5700 нафарига жарима солинди — улар жами 6,8 миллион сўм миқдорида маъмурий жарима тўлайдилар. 530 киши жиноий жавобгарликка тортилди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги деҳқон бозорида рейд ўтказилганда солиқ идораси ходимлари томонидан Ф. Худойбергенова ушланди. Бу аёл спирт, ароқ шишаларини беркитадиган қопқоқлар, қалбаки акциз маркаларини сотаётган эди. Ғайриқонуний савдо билан шуғуллангани учун унинг қўлидаги 170 литр спирт, 690 та қопқоқ, 917 та шиша ёрлиғи, 69 та акциз маркаси олиб қўйилди.Худди шу бозорда Г. Қурбонбоев деган шахс ҳам ушланди. У тегишли ҳужжатлари бўлмагани ҳолда 178 та спиртли ичимлик билан савдо қилаётган экан. Унинг маҳсулотлари ҳам олиб қўйилди. Ҳар иккала қонунбузарга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Афсуски, аҳоли ўртасида бу хусусда тушунтириш ишлари олиб борилаётганига, оммавий ахборот воситалари орқали доимий равишда материаллар берилаётганига, қонунбузарлар тегишли равишда жазоланаётганига қарамай алкоголли маҳсулотларни яширин равишда тайёрлаш ва ғайриқонуний йўл билан сотиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Жумладан, солиқ идоралари ва Сурхондарё вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказилган текширув натижасида қалбаки ароқ ишлаб чиқариш яширин цехи аниқланди ва тугатилди. Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидаги Амир Темур кўчаси, 25-уйда яшовчи П. Овдаров ароқфурушлик билан шуғулланиб, пул топишга ҳаракат қилган. Унинг уйидаги яширин цехда ароқ маҳсулотлари тайёрлаб келинган. Натижада спиртли ичимликни тайёрлаш анжомлари, 450 литр этил спирти, «Сурхон» ароғи ёрлиғи ёпиштирилган 120 шиша, «Столичний» ароғи ёрлиғи ёпиштирилган 20 шиша қўлбола ароқ, кўп миқдордаги қопқоқлар, ёрлиқлар ундан тортиб олиниб мусодара қилинди. Цех эгасига нисбатан эса жиноий иш қўзғатилди.

Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги Егоров кўчаси,72-уйда яшовчи яна бир «тадбиркор» А. Хайриев шундоққина уйининг олдида қонунга хилоф равишда савдо билан шуғулланаётганда солиқ органлари ходимлари томонидан ушланди. У акциз маркалари бўлмаган спитрли ичимликлар билан савдо қилаётганди. Бунинг устига, унинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномаси ҳам йўқ эди. Назорат-касса аппаратининг йўқлигини айтмаса ҳам бўлади. Хайриев ихтиёридаги 784 шиша спиртли ичимлик — 235,4 минг сўмлик маҳсулот мусодара этилди.

Солиқ идоралари ходимлари фақат хусусий шахслар ўртасида эмас, айни пайтда Ғиждувон туманидаги дўконларда савдо қоидаларининг бузилиши ҳолатларига ҳам дуч келдилар. Масалан, «Азамат» дўконида текширув ўтказилганда акциз маркаси бўлмаган, 96,5 минг сўмлик спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотлари мавжудлиги аниқланди. Хусусий «XX аср» фирмасида ҳам худди шундай аҳволга дуч келинди. Қонунбузарларга нисбатан Республика Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши олдидан солиқчилар савдо шахобчалари бўйлаб бир қатор рейд ва текширувлар ўтказдилар.

Текширувлар давомида ҳар ўнта савдо корхонасининг тўққизтасида турли хил қонунбузарликлар мавжудлиги маълум бўлди. Пировардида, 27 мингдан зиёд корхонага 212,1 миллион сўм ялпи даромад солиғи жаримаси билан қўшимча ҳисобланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, сертификати йўқ, сақлаш муддати ўтиб кетган маҳсулотлар савдосига тўсиқ қўйишда, аҳоли саломатлигини муҳофаза этишда қудратли қалқон бўлишига ишончимиз комил. Қарор асосида озиқ-овқат товарлари савдосини ташкил этишда тартиб ўрнатилмоқда.

Республика солиқчилари Вазирлар Маҳкамаси қарорида қўйилган талаблар ва яратилган имкониятларни юридик ва жисмоний шахслар ўртасида кенг тушунтирмоқдалар. Кўрилаётган чора-тадбирлар савдо маданиятини оширишга, энг муҳими, ватандошларимиз саломатлигини муҳофаза этишга хизмат қилади.

Ғайриқонуний йўл билан савдо қилаётган, мўмай пул кетидан қувган шахсларга ҳеч қачон шафқат бўлмайди. Уларнинг пайини қирқиш солиқ идоралари, ҳуқуқ тартиботини муҳофаза қилиш органлари, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг ғоят муҳим вазифасидир. Савдо-сотиқ соҳасида қатъий тартиб ўрнатилиши, ҳалол тадбиркорлик билан шуғулланиш лозим. Бу — ҳаёт тақозосидир.

**Фарҳод РАСУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг матбуот хизмати ходими.**

